

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 3-iyun • Shanba • 64 (27.556) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Покистон Ислон Республикаси Президенти Парвез Мушаррафга Ўзбекистон Республикасининг ушбу мамлакатдаги элчиси Ойбек Усмонов ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида П. Мушарраф Президент Ислон Каримовнинг май ойида Покистонга буюрган расмий ташрифи мўҳим бўлганини таъкидлар экан, Ўзбекистон раҳбари билан музокаралар муваффақиятли ўтгани ва улар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда мўҳим аҳамият касб этганини билдирди. У, шунингдек, Покистон нуктаи назарларини ҳам икки томонлама даражада, ҳам кузатувчи сифатида ШХТ доирасида қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этди.

П.Мушарраф Ўзбекистон — Покистон муносабатлари даражасини ижобий баҳолади ва улар барча соҳаларда муваффақият билан ривожланишига умид билдирди.

«Жаҳон» АА

ТОШКЕНТНИНГ «КУМУШ ТОЛА»СИ

Пойтахт вилояти «заршунос»лари давлат қабул масканларига 1171 тоннадан зиёд юқори навли пилла хомашёси етказиб бериб, шартнома режасини бинричлар қаторида удалашди.

Бу йилги мавсумда ҳар бир пиллакор моддий рағбатлантирилганлиги боис, хирмон олдинги йилларга қараганда, анча юксак бўлди: вилоти бўйича ҳар қутти ипак қуртидан ўртача 60 килограмдан пилла етиштирилди.

Маълумки, Бекобод — пойтахт вилотида энг кўп пилла етиштирадиган туманлардан. Худуд пиллакорлари қабул масканларига 186,1 тонна пилла етказиб бериб, пешкадамлик қилдилар. Ҳар қутти қурт уруғидан олинган ҳосил туман бўйича ўртача 58,9 килограммини ташкил этди.

— Пиллакорларимиз мавсумда асосан хорихдан келтирилган ипак қурти уруғини парвариш қилдилар, — дейди вилот «Пилла» масъулияти чекланган жамияти бўлим бошлиғи Абдулхамид Алионов. — Ҳўжаликларда боқилган 23 минг 410 қуртидан зиёд ипак қурти уруғларининг 15 минг қуртидан кўпроги ана шундай хориж уруғлари ҳиссасига тўғри келди.

Эришилган муваффақиятга Бекобод, Бўка, Уртачирчик, Оқўрғон, Чиноз туманлари пиллакорлари мўносиб ҳисса қўшдилар.

Соҳибжон САЛИМОВ

АНГОРЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР

Республикамизда биринчи бўлиб, давлатга бошоқли дон сотиш бўйича шартнома режасини удалашдилар.

Сурхондарё вилоти Ангор тумани ғаллакорлари давлатга 15735 тонна ғалла топширишди. Ушбу улкан хирмоннинг бош замини — мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилганлиги, ер ўзининг ҳаққини эгаларини топаётгани ва деҳқон ўз меҳнати рожатини кўраётганидан. Қолаверса, деҳқон бу йил ҳукуматимиз томонидан минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, иш ҳақи ва бошқа моддий ресурслари билан ўз вақтида таъминланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Тумандаги «Саидносирхон», «Оптин бошқ», «Омад», «Ҳосилот Акбар» каби фермер ҳўжаликларига гектар бошига 80-87 центнердан ғалла етиштирилди. Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 52 центнерни ташкил этапти. Давлат режаси эса гектарига 42 центнер.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ғалладан туман аҳли қарийб 3 миллиард сўмга яқин фойда кўрапти. Шундан соф даромад — 900 миллион сўмга яқин.

Ангорлик деҳқонларнинг уйи бугдойга тўлди. Бу чин ва ҳалол меҳнат натижасидир.

Абдурусул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири



ҚИЗИЛҚУМ БАҒРИДАГИ ДУРДОНА


Мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири «Қизилқумцемент» очик акциядорлик жамиятининг қурилганига салкам ўттиз йил бўлди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида мазкур заводнинг биринчи ва иккинчи линиялари ҳамда узунлиги 95 метр бўлган айланма ўчоқлари ишга тушган эди. 1989 йилда эса учинчи линия ва учинчи айланма ўчоқ ишга туширилган. Корхонадаги ҳар бир айланма ўчоқнинг қуввати 3000 тонна хомашё ишлаб чиқаришга эга. Ҳозирги кунда корхонанинг барча линиялари тўла қувват асосида ишламоқда.

Шунингдек, бу ерда цементни майдаловчи ускуналар билан биргаликда уни махсус халталарга жойлаб, транспорт воситаларига юклаш имкониятига эга янги линиялар ўрнатилган.

Айни пайтда акциядорлик жамиятида йилга 3 миллион 80 минг тонна цемент ишлаб чиқаришмоқда. Жумладан, корхонада 2001 йилдан бошлаб цементнинг нефть ва газ қудқларида фойдаланиладиган янги турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда бу ерда нафақат цемент, балки ўндан ортқ қурилиш хом ашёлари ҳам харидорларга етказиб берилмоқда.

Суратларда: тоғ-кон ишлаб чиқариш бўлимининг бир гуруҳ кочилари; корхона фаолиятининг лавҳалари. Рўзат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.



2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий компьютер, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, хизмат кўрсатиш ва сервис, фермер ҳўжалиги соҳаларида мутахассисларга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида:

1. 2006/2007 ўқув йилида: бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51604, шу жумладан, 19945 давлат грантлари ва 31659 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мувофиқ тақсимлансин;

2. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирилик ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта мuddат ичида ўзларига қарашли олий таълим муассасаларида давлат грантлари

магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 6500, шу жумладан, 1500 давлат грантлари ва 5000 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлансин;

олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, жумладан, болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун умумий қабул сони 5665, шу жумладан, 1265 давлат грантлари ва 4400 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 3-иловага мувофиқ тақсимлансин.

3. 2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон миллий университети қошидаги икки йиллик махсус Журналистика бўйича олий курсларга тўлов-контракт асосида умумий 60 кишидан иборат қабул квотаси белгилансин.

Бунда Журналистика бўйича олий курсларга бошқа йўналишлар бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ўз ижодий қобилиятини намойиш этган мутахассислар танлов асосида қабул қилиниши, ўқиб якунида уларга «Журналистика» мутахассислиги бўйича магистр даражаси ва белгиланган намунадаги диплом берилиши назарда тутилсин.

(Давоми 2-бетда)

ҲАМКОРЛИК ЯНГИ ШАКЛ ВА МАЗМУН КАСБ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2 июнь кун Оқсаройда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Бош котиби Григорий Рапотани қабул қилди

Г.Рапота жорий йилнинг январида ҳам Ўзбекистонда бўлиб, Президентимиз билан учрашган ҳамда турли вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказган эди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув Ўзбекистоннинг ҳамжамиятга аъзо бўлиши билан боғлиқ ҳўқуқий жараёнларни якунига етказиш борасидаги масалаларни муҳкама қилиш учун қўлай имконият эканини таъкидлади.

— Ўзбекистон ҳамжамият сафидан расман жой олган бўлса-да, бунинг ҳўқуқий жиҳатдан тўла расмийлаштириш учун ҳали анча иш қилиниши керак, — деди Ислон Каримов. — Сиз билан ҳар бир учрашувимиз бу борадаги ишларни такомиллаштириш учун фойдали бўляпти.

Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон аъзо бўлган ушбу тузилма бугунги кунда самарали фаолият олиб бораётган минтақавий ташкилотлардан бири ҳисобланади. ҳамжамият доирасида иқтисодий ҳамкорликни янги шакл ва мазмун билан бойитиш, ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Жумладан, Божхона иттифоқини ташкил этиш билан боғлиқ барча масалалар жорий йилнинг охиригача ҳал қилиниши кутилмоқда.

Ўзбекистон жорий йилнинг январь ойида ҳамжамиятга аъзо бўлди. Шу қисқа давр ичида кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиш палласига кирди. Хусусан,

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Парламентларо ассамблеясининг кунини кеча Минск шаҳрида ўтказилган навбатдаги йилги йилгида мамлакатимиз делегацияси иштирок этди. Унда Ўзбекистон томони Аграрно-саноат сиеъати, табиатдан фойдаланиш ва экология бўйича комиссия раҳбар этиб тайинланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон вакиллари ҳамжамият органлари томонидан ташкил этилган транспорт, банк-молия ва божхона соҳалари вакилларининг учрашувларида ҳам фаол иштирок этди.

Ҳозирча қадар мамлакатимиз ҳамжамият доирасидаги 21 ҳужжатга қўшилган. Айни пайтда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан, Давлатлараро кенгаши қарориги мувофиқ, бошқа ҳужжатларга ҳам қўшилиши, мавжуд ички қонунларга зарур ўзгартиришлар киритиш бўйича иш олиб боришмоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ўртасидаги кенг қамровли алоқаларнинг бугунги аҳволи ва келажакда биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар, ҳамжамиятнинг навбатдаги саммити кун тартиби хусусида фикр алмашилди.

Г.Рапота бу галги ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва Иқтисодиёт вазирликларига ўтказган музокаралари самарали бўлганини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

(ЎЗА)

Ар-Рияд шаҳридаги подшоҳ Файсал номидаги Ислон тадқиқотлари марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг араб тилида нашр этилган «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги ижтимоий-сиёсий, илмий ва ишбилармон доиралар, етакчи таҳлил марказлари, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Тақдимот қатнашчиларига Ўзбекистон раҳбариятининг маънавий-диний ва миллий-маданий қадриятларини тиклаш борасидаги сиеъати, мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Тақдирда сўзга чиққанлар И.А.Каримовнинг бу китоби ўз вақтида нашр этилгани ва у, айрим ғарб оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистонга қарши олиб бораётган ахборот урушига берилган жавоб бўлганини қайд этишди. Турли кўчаларнинг геосиёсий манфаатлари тўқнаш келаётган Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг барқарорлаштирувчи роли, мамлакатимизнинг минтақадаги хавфсизликни мустаҳкамлашдаги мўҳим ўринга

эгаллиги таъкидланди.

Ислон тадқиқотлари маркази етакчи илмий ходими Абдураззоқ Ҳаммуд Захроний терроризм чегара билмаслиги ва унинг муайян бир дин эки сиеъий тизим билан боғлиқ эмаслигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, тинчлик ва бағрикенглик дини бўлган ислом терроризм ва экстремизм билан ҳамонҳанг бўлиши мўмкин эмас. Ушбу ўзаро боғлиқ икки кўриниш барча халқларга бирдай таҳдид солади ва уларга қарши самарали курашиш учун давлатлар ҳам икки томонлама, ҳам халқаро ташкилотлар доирасида кўптомонлама яқиндан ҳамкорлик қилмоғи лозим.

Подшоҳ Сауд номидаги университет профессори Муҳаммад Али ал-Ҳаворий терроризм ва экстремизм

ўз-ўзидан ҳар қандай дин учун ёт эканини қайд этди. Террорчиларнинг диний ширлар билан никобланган ноқонуний ҳаракатлари ижтимоий жиҳатдан хавфли иккиозламачилиқдан ўзга ҳеч нарса эмасдир. У ўтган йили майда Ўзбекистонда содир этилган воқеалар конституциявий тузумни ағдардиш ва ҳокимиятни эгаллашга уринаётган террорчиларнинг асл башарасини кўрсатди.

Ар-Рияд шаҳри Педагогика институти доктори Фуад Абдумуталиб фақатгина бағрикенг ислом муслмон жамиятларининг ривожланиш талаблари билан уйғунлаша олишига йилганлар эътиборини қаратди. Ўзбекистоннинг маърифатли ва бағрикенг исломни қарор топтириш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни билдирди. Бу

унинг фикрича, нафақат республикада ички барқарорликни сақлаб қолишга, балки бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Тақдир иштирокчилари чиқишлар

тўғрисида сўзлар экан, Имом Муҳаммад номидаги Ислон университети илмий тадқиқотлар департаменти директори, профессор Туркий бин аль-Сахув аль-Утейбий Ғарбдаги қатор оммавий ахборот

мунаварарада ҳаж фарзларини адо этиш рағбатини билдираётган Ўзбекистонлик муслмонларга барча ша-роитлар яратиш ҳамда масжид, диний марказ ва ўқув юртиларини қуриш бўйича республика ҳукумати ғамхўрлигини юқори баҳоладилар.

Тақдимотда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Шўҳрат Евкочев бошчилигидаги делегация аъзолари Саудия Арабистонига ташрифи доирасида Ислон конференцияси ташкилоти бош котиби А.Эхсонўғли, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг ҳаж ишлари вазири Фуад ал-Форисий, маданият ва ахборот ишлари вазири Йийд Амин Маданий, ислом ва вақф ишлари вазири Салиҳ Ол аш-Шейх билан учрашди. Делегациянинг, шунингдек, «Миллий мулоқот» ижтимоий ҳаракати, Имом Муҳаммад бин Сауд номидаги Ислон университети ва Ислон тараққиёт банки раҳбарияти билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти китоби тақдимоти мамлакат жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди ва умумараб ва Саудия Арабистони оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, «ал-Ҳаёт», «Араб ньюз», «Рияд» каби нуфузли нашрлар томонидан ёритилди.

«Жаҳон» АА

O'zbekiston havo yo'li

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HAMKORI!

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТДИРИ

Хизматлар лицензияланган

Фуқаролар йиғинларида сайлов

Пойтахтнинг Чилонзор Октеп-сида ажиб бир гўша бор. Собик «Есенин» бои томон боравериш-да болаларнинг шодон куйириги диққатни тортади. Яшил майдон-да тўп тепаётган, теннис ўйнаёт-ган, югураётган ёшларни кўриб спорт шохчасига келиб қолган-дек бўласан киши. Беданалар сайраётган жой эса гузар. «Ну-роний»лар чойхонаси соя-салқун, файзли, озода. Фаввора шилди-райди. Кимдир шохмат ўйнайди, бошқалар бир пиёла чой устида суҳбат қуради. Отагонлардан би-рини эслаб қолганман. Етмишдан ошса-да ҳамон абжир, одамжун, зиёли бу инсон Ҳамид ака Акба-ров. У киши бир неча йил аввал Алишер Навоий номидаги санъат саройида ўтказилган шахар жамоатчилиги йиғилишида сўзга чиққан эди.

— Диний экстремизм ва тер-роризм негизда гиёҳвандлик, безорилик, ичкиликбозлик, ўғри-лик ва диний ақидапастлик каби иллатлар ётади, — деганди ўшанда. — Бундай салбий ҳолат-лар эса бекорчилик, ишқамас-лик, лоқайдил туфайли юзага келади. Бунга қарши курашиш учун ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатишимиз, бўш вақт-лари мазмунли ва мароқли ўти-ши учун шароит яратишимиз, спорт билан шуғулланишларига кенг йўл очилишимиз зарур.

Бугун оқсоқол ўз сўзининг ус-тидан чиқарганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Маҳаллада ёшлар тар-бияси билан боғлиқ жамки иш-ларда унинг ҳиссаси бор. Яқин-да маҳаллада фуқаролар йиғини раиси — оқсоқоли сайлови ўтқа-зилиши муносабати билан шу ҳудудда яшовчи фуқаролар ма-зкур тадбирга йиғилдилар. Маҳалла оқсоқоли маърузаси-дан маълум бўлишича, бу ерда 5 ярим мингдан зиёд аҳоли бўлиб, ёлғиз кексалар, ногирон ва кам даромадли оилалар ҳоли-дан хабар олинади. Ободонлаш-тириш, кўчаламзорлаштириш, ёшлар тарбияси ва ижтимоий ҳимоя масалаларига биринчи галдаги вазифа, деб қаралади. «Тимсол» акциядорлик жамияти билан келишилган ҳолда маҳал-

лада аёллар учун 20 иш ўрни очилган, 9-синфни битирган 20 нафар бола касб-ҳunar коллеж-ларига йўналтирилган. Хар бири 30 метрлик сифон қувур ёрда-мида «Оқтепа» каналидан сув олиб, кўча ариқларига оқизиш йўлга қўйилди. Кўп қаватли 32 та уйнинг йўлақлари таъмирла-ниб, темир эшиклар ўрнатилган, кўча чироқлари порлаб турибди. Уй-жой мулкдорлари ширкатла-ри раҳбарлари ҳам маҳалла фа-олларидан саналади. Ёш келин-кўвёллар турмуши, оилалар тинч-лиги масаласига эътибор катта. Тўйларни дабдабасиз, камхарж ўтказишга ҳаракат қилинади.



ЭЛ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЁТГАН ОҚСОҚОЛ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИДАГИ «ЧҲПОН ОТА» МАҲАЛЛАСИ ФУҚАРОЛАРИ ЎЗ ОҚСОҚОЛЛАРИ ҲАМИД АКБАРОВГА ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИШДИ

Нотик маҳалла гузари, ёшлар-ни спортга жалб этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юмуш-ларига алоҳида тўхтади. «Биз ижтимоий ҳимояга ҳамиша эъти-бор қилдик, — дейди у, — бу иш-ни яна кучайтирамиз. Байрам-ларда кекса ёшлар, ногирон, касалмандлар, ёлғизларни ал-батта йўқлаб, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўнғиллари-ни кўтариб келямиз. Давлат то-монидан бериладиган моддий ёрдам пуллари узлуксиз топши-рилмоқда. Спорт ишларини яна-да яхшилаверамиз. Ҳозир 10 спорт тури бўйича машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилган бўлса, ёшларнинг қизиқишини ҳисобга олиб, кураш, гимнастикани ҳам оммалаштириш ҳақида ўйла-я-миз. Бокс, спорт ёшларнинг маънави ва жисмонан баркамол бўлишларига муҳим аҳамият касб этади. Ажаб эмас, яқин кел-ажакда маҳалламиздан жаҳон чемпионлари чиқса».

Оқсоқолнинг сўзларини йиғил-ганлар хайрихоҳлик билан қўлаб-қувватлашди. **Ислом ШОҒУЛМОВ, меҳ-нат фахрийси, таниқли мат-баачи-ношир:** — Маҳалламизнинг обод ва кўркам бўлишида аввало фуқаро-ларнинг ҳамжиҳатлиги, хашарга доим тайёр туришлари сабаб. Ал-батта, маҳалламизда истикомат қилаётган тадбиркор, ишбилармон, ўзига тўқ кишиларимиз «савоби иш-ни хар ким, хар кун қилиши керак» деган нақлга амал қилиб, хайрли ишларимизни, ташаббусларимизни қўлаб туришибди. Тўғри, маҳаллада спорт иш-лари яқин йўлга қўйилган. Биз энди кураш залини ҳам очиб бўйича иш олиб бораёلمиз. Мақ-сад болаларимиз узоқларга қат-наб эмас, шу жойининг ўзида шу-ғулланишимиз. Муҳими, спорт ту-файли болаларнинг куч-қуввати, дунёқараш, одоби яхшиланимоқ-да. Биз бундан буён ҳам фаол-ларимиз —Иброҳимжон Исқандар-ов, Сиддик Фузаилов, Дилором Юсупбекова, Гүлчехра Аброро-ва, Феруза Қосимова, Комилжон Ёқубов каби олим, иқтисодчи, маданият арбоби, адабиётчи, юрист каби ўз ишининг усталари билан ҳамфикр ва ҳамжиҳат-ликда иш олиб бораверамиз. **Абдураим РАҲМОНОВ, ма-ҳалла фаоли:** — Маҳаллада нафақат ёшлар, балки катталар ҳам бўш вақтла-рини мароқли ўтказишлари учун

шароит етарли. Иккинчи лига аъзоси «Оқтепа» футбол жамоа-сиз учрашувларини кўргани ма-ҳалладошлар стадионга йиғилган-да хайқириқдан дил ғайрайди. Футболчиларимиз шахар ҳокими кубогини қўлга киритишган. **Жуманазар МУҲАММАДИ-ЕВ, милиция капитани:** — Бу маҳаллада ёшлар тар-бияси яқин йўлга қўйилган. Ота-оналар ҳам хотиржам. Келиб-ке-тишлар — ҳаммаси назоратда. Кўча посбонлари ва фаоллар би-лан бамаслаҳат иш олиб бори-лиши оқибатида маҳаллада ҳамиша тинчлик-хотиржамлик. Сайловчилар маҳалла аҳлининг меҳрибон отасига айланган Ҳамид Акбаровни бир овоздан яна оқсоқолликка сайлашди. Ма-ҳалланг — ота-онанг, дейишлиси беҳиж эмас. Умуман, маҳалла азалий қадриятларимиздан. Унинг тарихи маънавиятимиз сарчашма-си ҳисобланган «Авесто»да ҳам зикр этилган. Қадимшўнослар эса

маҳалланинг шаклланиши брон-за асрига бориб тақалади, деган далилларни келтирадилар. Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» асарига маҳалла «шаҳар ичидиги шаҳарча» деб таъриф-ланади. Юртбошимиз маҳалла —фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг тенги йўқ ижти-моий институти деб таърифла-ганлар. Бобокалонимиз Амур Темур даврида эса маҳаллалар ҳунарлар ривожига қараб ба-ҳоланган ва темирчилар, тўқу-чилар, кўнчилик, гиламдўзлар, ганчкорлар, бешикчилар каби номлар билан аталган. Муста-қиллик йилларида маҳаллалар янада ободонлашиб, беқийс тарбия масканига айланмоқда. Бунга «Чўпон ота» маҳалласи ёрқин мисол.

Хайдар НОСИРОВ Суратларда: «Чўпон ота» маҳалласи фаолларидан бир гуруҳи, (юқорида) ва маҳалла-дошлар ҳаётидан лавҳалар.



МУАММОЛАР ХАЛ ҚИЛИНСАГИНА...

2007 йилда Европа Иттифоқи ўз таркибига яна икки давлатни қўшилиш кўтилмоқда. Европа Комиссияси раиси Жозе Мануэл Баррозу Болгария ва Руминия бир қатор муаммоларни хал қилол-сагина ЕИга аъзо бўлиши мумкинлигини билдирди. Ушбу икки номзод мамлакатнинг эришган қўлуларига қараб, октябрь ойида уларни иттифоққа қўшилиш борасида аниқ тўхтамга келиниши мумкин. ЕИ Болгария ва Руминиянинг қабул қилиниш муддатини яна бир йилга, яъни 2008 йилгача чўзиш ҳуқуқига эга. Софийдан коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кура-шида сезиларли натижаларни қўлга киритиш сўралмоқда. Бухарестдан эса озик-овқат маҳсулотларига қўйилаётган сани-тария талабларини қучайтириш талаб қилинмоқда. Бундан ташқари, икки мамлакатнинг иттифоққа аъзолигининг дастлабки уч йилда махсус кузатув тизими ишлаб туради. Бу тизим ЕИни янги аъзо давлатларда коррупцияга қарши кураш ва ҳуқуқ-тартиб тизимидаги ислохотлар самарали давом этаётган-нига ишонтира олиши керак. Бирок баъзи кузатувчилар бу тизим янги аъзоларга ишончизлик билан қараш ва иккинчи даражали аъзоларга қилинадиган муносабатни келтириб чиқаришдан чўчишмоқда. Европа комиссияси Болгария бўйича ҳулоса чиқарар экан, олти соҳада тубдан ислохотлар олиб бориш керак эканигини таъкид-лади. Биринчи навбатда комиссия аъзолари қонлида қайд этил-ган коррупция ва уюшган жиноятчиликни бартараф этишни талаб қилишди. Суд жараёнида айб қўйиш ва ҳужм чиқаришда кўзга ташланувчи ишлар рўй бериши лозимлиги ҳақида комиссия ҳисоботида айтиб ўтилган. Руминияга эса асосан техник характерга эга бўлган талаблар қўйилди. Улар ЕИ фермерларга субсидия ажратиш учун зарур бўлган ташкилотларга асос солиш тартибини белгилаш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ислохотлардан иборатдир. Ҳисобот муаллифлари фикрича, иккала мамлакат бундай таш-килотларни ўз вақтида тузмайдиган бўлса, миллиардлаб евродан ажралиши мумкин. Чунки Европада қорамол қутуриши касаллиги-нинг олдини олиш учун баъзи маҳсулотлар экспорти тақиқлани-ши эҳтимоли бор. ЕИга янги аъзолар қабул қилиниши борасида Европа матбуо-тида турлича фикрлар билдирилмоқда. «ЕИ Руминия ва Болгарияни талаблар бажарилмаса ҳам ўз тар-кибига олади. Бу мамлакатларнинг аъзолиққа қабул қилинмаслиги зарар ва беқарорликдан бошқа ҳеч нарса олиб келмайди. Иккала мамлакат ҳукуматлари учун бу (қабул қилинмаслик) сиёсий мағлубиятга айланади, ЕИ маҳсулотида ҳам пугур еткази-ши мумкин, — дейилган Германиянинг «Франкфуртер альгемай-не цайтунг» газетасида. «Руминия ва Болгариянинг ЕИга кириши ижобий жараён, чунки иккала мамлакат ҳам бундан фойда қуради. Бирок бу жараёнга чаласаводларча ёндашилса, у ЕИдаги инқирозни қучайтириб юбо-риши мумкин, — деб ҳисоблайди Венгриянинг «Непсабдшаг» нашри муаллифлари. **Хуришд РАУПОВ тайёрлади**

ЧЕХИЯ



Кеча Чехияда парламент сайлови бўлди. Кузатувчилар бу сайлов мамлакат тарихидаги энг қизгин сиёсий тадбир бўли-шини баҳорат қилишган. Парламентда кўнчилик ўринни эгаллаш учун амалдаги бош вазир Иржи Парубек бошчилигидаги социал демократлар ва Мирек Тополанек раҳбарлигидаги демократлар кураш олиб боришди. Сайлов натижалари ҳали эълон қилинганча йўқ. Маълумотларга қўра, парламентнинг янги таркиби олдида соғлиқни сақлаш, нафақа билан таъминлаш ва солиқ тизи-мини ислох қилиш каби масалалар ечими турибди.

РОССИЯ — ЎЗБЕКИСТОН

Яқинда Москвада «Форум холли»да «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон санъати кечаси бўлиб ўтди. Бу кеча Россиянинг турли соҳаларда ном чиқарган шахслари, шу жумладан, таниқли сиёсатчилар, дипломатлар, ишбилармонлар, оммавий ахборот воситалари ва шоу-бизнес вакиллари билан жойлашди. Санъат кечасига ташриф буюрган Россия Федерацияси бош вазирининг ўрин-босари Дмитрий Медведев, президент ёрдэмчиси Игорь Шувалов, Хавф-сизлик Кенгаши котиби Игорь Иванов, Давлат думаси раиси ўринбосари Артур Чилингаров, Россия нефтьгазсаноатчилари иттифоқи президенти Юрий Шафраник ва бошқа мансабдор шахслар тадбир юқори савияда ташкил-лаштирилганини алоҳида эътироф этишди. Меҳмонлар бундан олдин ҳеч бир санъат кечаси миллий унсурлар ва замонавий технологиялар уйғунла-шувини бунчалик ақс эттира олмаганлигини айтиб ўтишди. Фаррух Зоқиров, Юлдуз Усмонова, Тоҳир Соҳидов, Севара Назархон, Рашид Ҳолиқов каби эстрадамиз юлдузлари чиқишлари кечага алоҳида тароват бағишладди. Тадбир доирасида Ўзбекистон ҳақидаги кўргазма ҳам намойиш этил-ди. Россияликлар миллий ва замонавий кўринишдаги ўзбек ҳунарманд-чилигининг, бадий ва дизайнлик маҳоратининг бугунги кунини билан танишдилар.

ТУРКИЯ

Туркиянинг шимоли-гарбидидаги Баликесир музофотида жойлаш-ган конларнинг бири-да рўй берган фожиа туфайли 17 нафар кон-чи ҳалок бўлди. Музо-фот маъмурияти раҳ-бари Салоҳиддин Хо-тиб ўғлининг маълум қилишича, фожиа пай-тида конда 57 нафар ишчи бўлган. Қолган 40 нафар кончи қутқа-риб олинган. Дастлабки хабарлар-га қўра, ҳалокат 150 метр чуқурликда газ портлаши оқибатида содир бўлган. — **Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»нинг икки жилди қайта нашрдан чиқ-ди. Бу яқин албатта. Аммо уни варақлаган киши фло-ра ва фаунага тўбора қаш-шоқлашиб, ўсимлик ва ҳай-вон турларининг сони ка-майиб кетаётганига гувоҳ бўлади.** — Мамлакатимизда муста-



Токионинг бугунги кўриниши. У 1868 йилдан бери Япония пойтахти

5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини

Одамзот табиатнинг бир бўлаги, атроф-муҳит-ҳаво, биологик ранг-баранглик, ер ва сув ресурслари эса унинг ҳаётини сақлаб турувчи тизимдир. Лекин ин-соннинг тирикликка салбий таъсири оқибатида таби-ий ландшафтларнинг ўзгариши юз берди, ўсимлик-лар ва ҳайвонот оламининг айрим турлари камайиб, ҳатто йўқ бўлиб кетди. Бугун она ернимиз глобал экологик муаммолар кур-шовида турибди. Ҳўш, бизнинг ҳудудимиз табиатида бу ҳолат қандай таъсир этяпти? Ўзбекистон Респу-бликаси табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси Борий АЛИХОНОВ билан суҳбатимиз шу мав-зуда.

— Бизнинг ҳудудимиз шимо-лий ярим шарнинг субтропик ҳудудиди 37 ва 45 даража шимо-лий кенглик, 56 ва 73 дара-жа шимолий узунлик ўртасида жойлашган. Ўзбекистон майдон-ининг 85 фоизи чўл ва ярим чўллардан иборат. Агар 1980 йилда хар квадрат километрга 35,6 одам тўғри келган бўлса, 2002 йилга келиб бу кўрсат-кич 55,8 ни ташкил этди. Одатда одамлар табиий ре-сурслардан пала-партиш, но-оқилона фойдаланадилар. Ўсимликлар, дарактларни хомашё ёки ўтин сифатида беаёв қирқишади, аммо ўрни-га ниҳол қандаш устида қайғу-ришмайди. Аммо бир гектар қўқаламзор бир соат ичида 200 нафар одам чиқарадиган микдордаги карбонат ангид-рид газини ўзига сингдириб олишини ҳамма ҳам ўйлаб кўрмайди.

соф ҳолича сақлаб қолиш бо-расида қандай амалий иш-лар олиб бориляпти? — Ўзбекистон биохилма-хиллигини асрашда муҳофаза эти-ладиган табиий ҳудудлар тар-моғи катта аҳамиятга эга. Рес-публикамизнинг муҳофаза эти-ладиган табиий ҳудудлари ти-зимига умумий майдони 2164 квадрат километр бўлган 9 та давлат кўриқхонаси, умумий майдони 6061 квадрат километр бўлган иккита миллий боғ, май-дон 12186,5 квадрат километр бўлган 9 та давлат буюртмахо-наси ва битта ноёб ҳайвон тур-ларини қўпайтириш бўйича рес-публика маркази «Жайрон» (эко-маркази) кирди. Кейинги йил-ларда Сидардэ виллояида «Сай-хун» питомниги ҳам ташкил этилди. Республикада муҳо-фаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида», 1997 йил 26 декаб-рда «Ўсимликлар дунёсини му-ҳофаза қилиш ва ундан фойда-ланиш тўғрисида», 1999 йилда «Ўрмон ҳақида»ги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар

қиликнинг дастлабки йиллари-дан республикамиз биохилма-хиллигини соф асраш, келажак авлодларга ўзимиздан обод маскан қолдиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Маълумки, 1992 йил 9 декабрда «Табиати муҳофаза қилиш тўғриси»да, 1993 йил 7 майда «Алоҳида му-ҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида», 1997 йил 26 декаб-рда «Ўсимликлар дунёсини му-ҳофаза қилиш ва ундан фойда-ланиш тўғрисида», 1999 йилда «Ўрмон ҳақида»ги қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар

КАФТДАГИ ОЛАМ



Ўзбекистондаги ўсимлик ва ҳай-вон турларини сақлаб қолиш, уларни асраб, муҳофазада муҳим ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон флорасининг йўқолиб кетиш вақти остида турган 163 тури «Қизил китоб-нинг 1984 йилги нашрига кир-ган эди. Кейинги илмий изла-нишлар яна 138 ўсимлик тури-ни «Қизил китобга» киритиш ло-зимлигини кўрсатди. 1998 йил-га келиб «Қизил китобга» кир-тилган ўсимлик турларининг сони 301 тага етди.

— Нима деб ўйлайсиз, аҳолимиз ушбу кўриқхоналар ҳақида етарлича маълумот-га, тасаввурга эгами? — Очиги, шу соҳа мутахасси-си сифатида аҳоли ўртасида бу борада кўп тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш зарур-лигини таъкидлаб ўтаман. Бир вақтлар одамлар тафаккурида «Табиатдан сақланиш» фикри устун эди, энди эса табиат одамзотдан ўзини сақлашига тўғри келмоқда. Одамларимиз табиатимизнинг ҳаётимизда тут-ган ўрни ҳақида қанча кўп ма-ълумотга эга бўлса, жамият та-раққиётига шунча кўп ҳисса қўшади. — **Бу борада сизда қандай тақдирлар бор?** — Табиати асраш жамият ва-зифасига айланиши зарур, деб ўйлайман. Ҳали бу борада биз фойдаланишимиз учун имконият-лар бор. Мана айталик, бугунги кунда бир нечта партиялар ма-вжуд, улар аҳолининг барча қат-дамларини ўз сафига жипслаш-тириш учун ўзаро кескин рақо-батга киришган. Барча партиялар жамиятда мавжуд муаммоларни ўрганишга ҳаракат қилипти. Аф-суски «Табиати асраш», «Осмон-ни соф сақлаш», «Атроф-муҳитни ифлослантиришга қарши кураш» ҳақида ўзаро баҳслашиб кура-шаётган партия йўқ. Мен шу ўринда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Экологик дустур»ни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу дав-турнинг хар бир банди билан та-нишман ва қўлаб-қувватлайман. Табиати эъзозлаш мадания-тини қучайтиришни оила, бо-ча, мактаб, нодавлат ва жамоат ташкилотларидан, мухтасар айтганда хар биримиз ўзимиз-дан бошлашимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Одамзот табиатдаги энг буюк оламини асрагучи зотдир. Зеро, одам икки кафтида оламини ас-рашга қодирдир.

— **Сўхбатдош: Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Болажон ўзбек халқи учун фарзанд қувон-чидан-да ортиқроқ бахт йўқ. Кекса-ю ёш бор-ки, бирор болакайни кўрдим дегунча баҳри дили очилади. Шундан бўлса керак, бола-лар байрами — 1 июнь юртимизда хар гал ўзгача рўхта нишонланади. Жумладан, пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат санъат музейида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан «Дунё болалар нигоҳида» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда бочча ёшдаги

болажонлар чизган расм ва ясаган буюмлари кўргазмаси шунингдек, улар иштирокидаги шоу дастур намойиш этилди. Шоу дастурда тадбир ташкилотчиси — Ўзе-бекистон давлат санъат музейи томонидан кичкин-тойларга совға-саломлар улашилди. Шунингдек, Камолддин Бехзод номидаги миллий расмчи-лик ва дизайн институти талабаси Дилноза Али-мованинг кичкинтойлари ҳам тайярлан кийим-ке-чаклари кўргазмаси ҳақда намойиш этилди.

Тоштемур ХУДОЙКУЛОВ

Яқинда Шахрисабз шаҳрида бирйўла учта йирик тадбир — Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган академик Яхъ Ғуломов номидagi «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 38-йиллиги, Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган «Темурийлар даври тарихи ва маданияти» мавзудаги илмий-амалий конференция ҳамда «Мумтоз наволар» номли мусиқий анжуман бир кунда бўлиб ўтди. Аввало мавзу ва давр жиҳатидан турлича бўлган бу тадбирларнинг бир-бирига қандай боғлиқлиги бор, деган савол туғилиши табиий. Лекин уларнинг моҳиятига эътибор берилса, бу қадим дённинг тарихий-маданий ришталари ўзаро чамбарчас боғлиқлиги кетганига гувоҳ бўламиз.

Бўлиб ўтган семинарда Сўғдининг энг қадимги шаҳарлари — Самарқанд, Шахрисабз, Қарши ҳамда Кўктепа тўғрисида маърузалар қилинди. Қашқадарё маданияти, тарихи, темурийлар даври ва унинг муаммоларига бағишланган долзарб чиқишлар тингланди. Куннинг иккинчи ярмида «Мумтоз наволар» номли соф миллий кўшиқлардан иборат концерт дастури намойиш этилди. Унда Абдухалим Исоилов бошчилигидаги созанда, Улмас Саиджонов, Замира Суенова, Марям Сатторов ва бошқаларнинг жонли ижралари барчани хушуд этди.

Маълумки, Фаргона водийси, айниқса, Марғилон азалдан санъаткорлар, ҳофизлар юрти бўлиб келган. Утган асрнинг бошларидан 60-70-йилларгача водий мумтоз кўшиқчилиги мамлакатимизда олдинги ўринларда эди. Кўшиқчиликда Тошкент — Фаргона усулининг вужудга келишида ҳам Марғилоннинг таъсири катта. Кўшиқчиликда бундай алоҳида тўхталишимнинг сабаби, санъат халқни бирлаштириш, бир-бири билан яқинлаштириш кучига эга эканлигини таъкидлашдир. Чунки, келиб чиқши бир бўлган миллатимизда мумтоз ашуулаларни тинглаганда сел бўлиб оқди, куйга қўшилиб тебранади.

Маданий анъаналарнинг бир-бирига таъсири фақат кўшиқчиликда эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам сезилади. Масалан, шаҳарозолик маданиятининг вужудга келиши ва унинг бошқаларга таъсири ҳам худди кўшиқчилик сингадир. Маълум бир йўналишдаги мусиқа, оҳанг, ракс албатта, авлоддан авлодга ўтади, яъни анъанага айланади. Тўймаърака, маросимлар, урф-одатлар ҳам худди шундай.

Халқимиз тарихининг энг қадимги давларидан бири — илк темир даври, яъни миллоддан аввалги X-VIII асрларни олайлик. Бу даврда Фаргона водийси, Тошкент, қадимги Сўғд, Бактрия ва Марғилонда яшаган аҳолининг маданияти, турмуш тарзи бири-бирига шу қадар ўхшаш эдики, ҳатто санъатдорларнинг олими Ю.Заднепровский ушбу маданиятнинг дастлабки ўрганилган ёдгорликлардан бирининг номи

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

хеологик обидалар ўтган асрнинг бошларидаёқ йўқ бўлиб кетган. Фақат усти қабристонга айланган қишлоқ ва шаҳар харабаларига ёдгорлик сифатида бизгача етиб келган, холос.

Марғилон шаҳрининг шаҳар бўлиб шаклланишида ҳам айнан ҳус ва сал кейинроқ вужудга келган эйлатон маданияти асос бўлган. Масалан, Фаргона шаҳридаги истироҳат боғи бурнаги-

Демак, сўнгги бронза ва илк темир давларида Фаргона, Қашқадарё, Сурхондарё, Шимолӣ Афғонистон, Туркманистоннинг жануби-шарқий ҳудудлари ва Тошкент воҳасида яшаган халқлар бир-бирига этник жиҳатдан яқин бўлган. Маълумки, миллоддан аввалги VI-V асрларда Марғилон, Бактрия, Сўғдийна Ахамонийлар империяси босиб олади. Фаргона водийси ва Тошкент

Янги китоб

ҚАЛБНИ ТИНГЛАШ МАСЪУЛИЯТИ



Қарийб қирк йилдан буён муҳбирлик касбини угулаб келётган ўткир қалам соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Жўра Саъдуллаевнинг яқинда мақола ва очерклардан ибрат «Замондош қалби» номли китоби нашрдан чиқди. Табиатан ўта синчков, талабчан муаллифнинг тинимсиз изланишлари меваси бўлган бу китобда баъзан кўз билан илғаш, идрок этиш қийин бўлган воқеаларни қалб кўзи билан кўра олиш хусусияти сезилади.

Ушбу китобни ўқиган киши серкуёш Ўзбекистонимизнинг пуриқор тоғлари-ю сўлим гўшалари, бебаҳо бойликлари, заминга бор меҳрини бериб ишлаётган омилкор кишилари ҳақида ажойиб тасаввурга эга бўлади. Шу билан бирга ана шу неъматларни билиб-билмай нобуд қилиб, худбинларча ўзлаштирувчиларнинг аёвсиз фош этилиши кишиларни сергак тортишга, тирик табиатни, яшил оламни асраб-авайлашга ундайди. Қолаверса, аксари очеркларда ҳаётнинг қийинчилиги ва мураккаб зиддиятларига бардош бериб меҳнат қилётган инсонлар тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобдаги «Овлоқдаги хонадон», «Қабоҳат» каби мақолалар кишини беихтиёр ўйга толдиради, фикрлашга ундай-

ди. Манманлик, ортиқча ҳю-хаваас оқибатида димоғдор ва субутсиз қилиб тарбияланган болаларнинг аччиқ қисмати бе-гуноҳ ёшларнинг ҳаёти ҳақидаги фикрлар ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

«Замондош қалби»нинг яна бир хусусияти, унда маълум соҳа вакилларига қўлланма сифатида хизмат этса бўладиган илмий мақолалар, хусусан, қишлоқ ҳўжалигига оид материаллар мавжудлиги. «Бир қафт тупроқ» руки остида берилган мақолалар мутахассис фикрлари билан илмий асослиги, тафсилотлар кенг баён қилинади.

Хуллас, ўз касбининг моҳир устаси, таҳрибали журналистининг ушбу асари қайта-қайта ўқилиши баробарида китобхон ундан ҳаёт ҳақиқатларига теран кўз билан қараб, инсоф, дённатдан сабоқ олишига шубҳа йўқ.

Сайёра РИХСИЕВА

МУМТОЗ НАВОЛАР,



ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАР

билан, яъни «чуст ирқий-маданий жамоаси» деб атади. Бу жамоаларнинг кенг тарқалган худудлари ўрта Осиёнинг йирик дарё воҳаларида бўлганлиги учун улар деҳқончилик қилиб ҳаёт кечирган. Айнан шу давр маданияти туфайли мамлакатимизда энг қадимги шаҳарлар — Самарқанд, Қарши, Шахрисабз, Кўктепа вужудга келган.

Фаргона водийсидаги чуст маданиятининг энг йирик ёдгорлиги — Далварзинтепа ўрнида ҳам эндигина шакллана бошлаган шаҳар харабаси ётади. Шунингдек, чуст маданиятининг белгилари Марғилон яқинидаги Акбаробод қишлоқидан ҳам топилади. Лекин бу водийнинг жанубий худудларидаги гўна ва охири макон дегани эмас. Гап шундаки, водий аҳолисининг ўта зич жойлашганлиги туфайли қўлаб ар-

воҳаси эса бу империяга кирмайди ва шунинг учун ҳам унинг маданияти ўзига хос тарзда ривожланиди.

Миллоддан аввалги III-II асрлардан бошлаб Фаргона водийсининг ўрта Осиёнинг умумий маданияти ривожланишидан «ахралаб қилиш» яна тикланди. Бу бирикни айнан кулолчилик буюмларидаги бир-бирига ўхшашликдан ҳам билса бўлади. Уша вақтда Бактрия ва Сўғда идишларнинг устидан қизил анғоб билан бўяш кенг расм бўлган. Сўғра бу урф-одат Фаргонага ҳам кириб келган. Миллоднинг I асрларига келганда фарғоналиклар тайёр бўлган буюк сопол буюмнинг устидан ўткир учли игна билан турли нақшларни чиқишган. Марғилон шаҳрининг шаҳар бўлиб шаклланишини аниқлашда ҳам айнан шу давр сопол буюмлари асос бўлган эди.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг бутун тарихий тараққиети давомида илм-фан, маданий соҳаларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлигини кўриш мумкин. Бундай боғлиқлик бўлинишида, қарамликда, ўзаро зиддиятларда, сунъий тўсиқларда узилди, холос. Тарихий жараёндаги тўсиқлар олиниши билан қон-қардош халқ яна бирилади кетади. Аслиятига қайтади, топталган, унутилган қадриятлар, удулмлари қадрлайди, руҳиятига мос анъаналарни давом эттиради. Биз буни Марғилон мисолида кўриб, гувоҳи бўлидик.

Мухаммадjon ИСОМИДДИНОВ,
ЎзРФА Археологик Институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори
Суратда: шаҳар маданият саройининг фольклор ансамбли.
Р. ШАҒАЕВ
(ЎЗА) олган сурат.

Санъатимиз жонкуярлари

ТЕАТР ШАЙДОСИ

Халқимизда «Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиги...» деган мақол бор. Шу ҳикматдан келиб чиқиб сўз юритсак, шоир, драматург ва публицист Хайдар Мухаммаднинг ҳам адабиётимиз ва маданиятимизда ижодий меҳнати эвазига эгалланган ўз ўрни, мавқеи бор. Бугун унинг шеърлари, пьесалари, публицистик мақолалари ҳақида сўз юритиб, элик йиллик ижодий йўлини бир-бир кўздан кечириб чиқиш мавриди келиб қолди...


Хайдар Мухаммад адабиётимизга шоир сифатида кириб келган. У устоз кўрган ижодкор. Унга икки баррикенг инсон — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шўхрат ва Ўзбекистон халқ шоири Миртемир домла устозлик қилишган. Манглайини силаб, йўл-йўриқ кўрсатиб, оқ йўл тилашган.

Уша кезлари Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаган Шўхрат ака ҳарбий хизматни ўтаётган Хайдар Мухаммад йўллаган маш шеърларига илиқ муносабатда бўлиб, бундай жавоб берган: «Шеърларингизни ўйиб чиқдим. Ҳеч шубҳасиз талантнинг бор. Шеърларингиз ҳароратли, китобхон диктатини тортади. Темаларингиз ўзингиз яшаб турган замондан олинган. Озми-кўпми ўзингизга хос оригиналлик билан ифодаланган. Айниқса, «Она кўйида», «Суврат» шеърларингиз яхши чиққан. Биз бу шеърларни республика газеталаридан бирон тасига тавсия қиламиш... Ҳаётни ўрганиб, муталаанишнинг кучайтириб боринг. Янги ёзган шеърларингиздан ўзингизга ёққанларини юбориб туринг.»

Ёш шоирга ижодий парвоз бағишловчи бу мактуб 1959 йилнинг 15 апрелида ёзилган. Энди Миртемир домла қаламига мансуб иккинчи ҳужжатдан парча ўқинг: «Хайдар Мухаммад ўз сўқмоғини алаҳсимай — жадал топиб олган ва тез қанот боғлаган шоирлардан бири, деб биламан. Унинг сўқмоғи поэзиямизнинг катта йўлига тик ва тўғри келиб қўшилиши сўқмоқлардан...»

Ана шундай улў устозлар меҳрини қозонган Хайдар Мухаммад ижодкор деган эзгу номга оғод туширмай, сира гўбор кўндирмай, янги-янги асарлар яратиб, муҳлисларининг кўнглини шод этиб келмоқда. Утган давр мобайнида у шеърят бобида баракали қалам тебратиб, бир неча шеърий тўпламларни яратди. Шеърлари қўшиққа айланиб, элимизнинг машҳур ҳофизлари томонидан куйланди.

Хайдар Мухаммад истеъдодининг яна бир ёрқин қирраси драматургиядир. Бу борада ҳам у устозлардан ёлчиган. Бу муносабатга ўзим ҳам шохид бўлганман. Унинг мураккаб ва серташвиш драматургия соҳасига кириб келишига шоир, драматург ва кинодраматург, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тула бош-қош бўлган, хайрхоҳлик билан оқ йўл тилаган. Утган давр мобайнида унинг 25 дан ортиқ пьесалари турли театрлар сахналарида қўйилди. «Хотинлар «гап»идан чиққан хангома», «Сехрли танбур», «Сабъайи сайёр», «Жинойат устида ушлансин», «Тошкентнинг нозанин маликаси», «Ҳар кимки вафо қилса...» спектакллари шулар жумласидан. Шуниси диққатга сазоворки, «Хотинлар «гап»идан чиққан ханго-



ма» комедияси Ўзбек Миллий академик драма театрида муттасил 10 йил, 900 мартадан ортиқ ўйналиб, бу борада биринчилиги эгаллади. Ёки бўлмаса, илк бор 1978 йилда Муқимий номли театр-да сахна юзини кўрган «Тошкентнинг нозанин маликаси» асари яқинда, яъни шу йилнинг март ойида орадан 28 йил ўтгач, янги ижрочилар иштирокида қайта сахналаштирилди. Бугун бу асарнинг бутун республикада ўз муҳлиси, томошабини бор.

Адибнинг бир неча асарлари китобхонларнинг мулкига айланган. «Кўнглим менинг», «Олчанинг туғилган кўни», «Йўлларинг муштоқиман», «Ипак гиламлар», «Ҳазилкаш шох» (сайланма), «Хотинимнинг уруғидан ўргилай», «Сойиб Ҳўжаев хангомалари», «Саҳна ортидаги хангомалар» тўпламлари шулар жумласидандир.

Хайдар Мухаммад бутун онгли ҳаётини меҳнат ва ижодга бағишлаб келмоқда. У қатор йиллар турли жойларда самарали меҳнат қилиб, одамлар меҳрини қозонди.

Хулоса қилиб айтганда, Хайдар Мухаммад ўз истеъдоди ва тинимсиз ижодий меҳнати билан ҳаётда ҳам, адабиёт, санъат ва маданиятда ҳам ўз ўрнини топган бахтли замондошларимиздандир.

Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

«ШАРҚ» ТЎЙХОНАСИ

Никоҳ кечалари, тўй ва маросим ошлари, банкетлар ва турли оила тадбирлари ўтказишга буюртмалар қабул қилади. Ҳаво совутичлар ишлаб турибди.
Манзил: Матбуотчилар кўчаси 32-уй. Мўлжал: Амир Темур хиёбони.
Телефонлар: 136-55-33, 136-53-33, 136-55-86.

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2006 йилнинг 4,7,11,14,18,21,25,28 июль ва 1,4,8,11,15,18,22,25,29 август кунлари аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга қўйилган автотранспорт воситалари кўйилади:
Юнусобод тумани, Мустақиллик майдони, 5-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1991 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АС 052 бўлган «ИЖ-2715» русумли а/в.
Бошланғич нархи — 500 000 сўм.
Чилонзор тумани, 10-мавзе, Фарҳод кўчаси, 21-«А» уйда жойлашган «О'ЗБАЛИҚ» АК Ишлар бошқаруви шўба корхонасининг 1995 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10УЗ 511 бўлган «ГАЗ-310200» русумли а/в.
Бошланғич нархи — 2 000 000 сўм.
Собир Раҳимов тумани, Университет кўчаси, 2-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги Тошкент давлат техника университетининг:
— 1995 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АУ 776 бўлган «ВАЗ-21061» русумли а/в.
Бошланғич нархи — 875 000 сўм.
— 1992 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АС 567 бўлган «ВАЗ-2107» русумли а/в.
Бошланғич нархи — 1 000 000 сўм.
— 1994 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АК 170 бўлган «ГАЗ-31029» русумли а/в.
Бошланғич нархи — 1 100 000 сўм.
— 1986 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АС 926 бўлган «КАВЗ-685» русумли а/в.
Бошланғич нархи — 1 555 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш истиғини билдирган талабдорлар объектининг бошланғич нархидан 10% миқдоридagi закатат нулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотекбанк»и Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.
Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.
Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.
Гувоҳнома № 000815

Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2006 йилнинг 4,11,18 май кунлари аукцион савдоларини ўтказди.
Ўтказилган аукцион савдоларида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 40-уйда жойлашган «Олой деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудида ўлчами 3,0 x 4,0 = 12 кв.м. бўлган 72 та тургун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи ҳамда майдони 50 кв.м. га тенг бўлган ҳозиртаҳхонани қуриш ҳуқуқи сотилади.

Республика Кўчмас мулк биржасида аукцион савдосини ўтказиш ҳайъати шуни маълум қилади:

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2006 йил 27 апрелдаги 49 (27.541)-сонида 2006 йил 1,15,22,29 июнь кунлари очиқ аукцион савдоси ўтказиши белгиланган Тошкент «Компрессор» заводи очиқ акциядорлик жамиятига қарашли бўлган қозонхона биноси асбоб-ускуналари билан ва мол-мулк мажмуасининг савдоси вақтинчалик тўхтатилди.
Маълумот учун телефонлар: 399-80-23, 399-88-05

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla OROPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV Nomoz SA'DULLAYEV To'lepbergen QAIPBERGENOV Mushihiddin MUHIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifot 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urgenchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvidagi chop etildi. Korxonamanzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. Г — 850 10942 nusxada bostildi t — Tuxotapat matbuotxona O'ZA yakuni — 22.20 Toshirish vaqti — 22.45 1 2 3 4 5 Sotuvda erkin narxda